

## Бандалари билан муомалада илоҳий тарбия



18:49 / 03.12.2017 4704

Ҳар бир мусулмон билиши керак бўлган нарса шуки, албатта Қуръон Анбиё ва Расулларига нозил бўлган охири ваҳий ҳисобланади. Қуръон Карим бутун олам учун барча Анбиё ва Расулларининг сўнгиси бўлган сайидимиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил бўлгандир.

Яна ҳамма мусулмонлар билиши муҳим бўлган нарса шуки, ушбу илоҳий Китоб икки ишни ўз ичига жамлайди.

Биринчиси инсоннинг моҳияти Аллоҳ азза жалланинг қўл остидаги банда эканини ҳамда унинг пайдо бўлиши ҳам Ундан бошланиб сафарининг охири ҳам Унга эканини инсониятга билдириб қўйишдир.

Иккинчи иш, Аллоҳ субханаҳу ва таоло ўз китобида эҳтиром қилган инсон учун буюрган вазифаларнинг баёнидир. Аллоҳ субханаҳу ва таоло инсонга буюрган вазифа илоҳий баёнот ифода қилган ушбу ўринда маълум бўлади. Аллоҳ китобида айтади:

**" У сизни ердан пайдо қилди ва уни обод қилишингизни талаб қилди."** Ҳуд, 61.

Инсоннинг вазифаси яшаётган ушбу ер сайёрасини кўрсатилган тартибда, Аллоҳ нозил қилган шариатида буюрилган қоидаларга мувофиқ тарзда моддий ва маънавий томонлама обод қилишидир.

Кейин Аллоҳ таоло ўзининг буюк ҳикмати ва марҳамати билан инсонни дунё хаёти давомида кузатиб туришини ҳукм қилди.

Аллоҳ азза ва жалла инсонни барча ҳаракатлари, амаллари, мақсад ва

ниятларини кузатиб туради.

Каломида айтади:

**" Албатта, Аллоҳ устингиздан кузатиб турувчидир."** Нисо, 1.

Бошқа бир оятда яна марҳамат қилади:

**" Ва билингки, Аллоҳ ичингиздагини албатта биладир. Бас, Ундан огоҳ бўлинг "** . Бақара, 235.

Бошқа бир оятда бундай эслатади: " Албатта, инсонни Биз яратганмиз ва унинг нафси нимани васваса қилишини ҳам билурмиз. Ва Биз унга жон томиридан ҳам яқинмиз.

Икки кутиб олувчи ўнгда ва чапда ўтирган ҳолларида кутиб олганда...

**«Қбирор сўз талаффуз қилмас, илло ҳузурида ҳозир у нозир борлар.»**

. Қоф, 16-18.

Сўнг Аллоҳ аzza ва жалла инсон билан эргашиб борадиган икки маҳкамани инсонга боғлаб қўйди. Аллоҳ субханаҳу ва таоло биринчисини ушбу дунё ҳаётида жойлаштириб, буни қози ва бошлиқларга ишониб топширди. Иккинчи маҳкамани ёлғиз ўзи бажариб, уни ўз ҳукмронлиги майдонида инсонларни оламлар Роббиси ҳузурида йиғиладиган кунга суриб қўйди.

Аммо Аллоҳ таоло бу дунёда қози ва бошлиқларга ишониб топширган маҳкамани инсонлардан билвосита кўриниб турган амаллари ва айтган сўзларига қараб ҳукм қилишга буюрди. Қозиларни -ким бўлишларидан қатъий назар- ҳукм қилишда инсонларни зоҳирий ишларига кўра ҳукм қилишга амр этиб, уларнинг ботиний қалбидаги ишларини ҳукм қилишдан қайтарди.

Анбиё ва Расуллар, солих бандалар ва барча қози ва бошлиқларга шу тарзда иш тутишларига ҳукм қилди.

Ҳеч бир инсон Аллоҳнинг қайсидир бандасини фойда ёки зиёнига ҳукм қилишда унинг қалбига ҳамла қилиши мумкин эмас. Чунки қалбнинг ҳукми Аллоҳ таолонинг олий зотига хос бўлган хусусиятдир. Бунинг суриштириш вақтини одамлар Аллоҳнинг ҳузурида турадиган кунга белгилаган.

Аллоҳ аzza ва жалладан бошқа ҳеч бир инсонни -Анбиё ва Расулларни ёки қайсидир қозининг ҳам- одамларни зоҳирий ишларига ҳукм қилаётганида сир ва ботинларига ташланиши мумкин эмас. Аллоҳ аzza ва жалла бу тўғрисида шундай марҳамат қилган:

**".сизга салом берган кишига: «Мўмин эмассан», - деманглар."** Нисо,

94.

Саҳобалардан бирлари бир инсонни ботиний қалбига баҳо бериб; "Биздан қўрққанидан салом берди, бўлмаса, бермас эди", деган маънода унинг исломига шубҳаланган вақтида Аллоҳ таоло бу ишдан қайтариб ушбу оятни нозил қилган.

Аллоҳ субханаҳу ва таоло яна бандаларини огоҳлантириб шундай дейди:

**" Эй иймон келтирганлар! Кўп гумонлардан четда бўлинглар, чунки баъзи гумонлар гуноҳдир. Жосуслик қилманглар."** Хужурот,12.

Яъни инсонлар қалбига гумонлар билан ташланманглар. Жосусликнинг маъноси ана шудир. Инсонларнинг ботинига ва ўзингиз билмайдиган уларнинг ичидаги нарсаларни суриштиришга киришиб кетишдан сақланинглар.

Имом Муслим ўзининг саҳиҳида, Имом Аҳмад Муснад китобида ривоят қилган ҳадисда, Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу масала ҳақида айтади:

"Мен инсонлар қалбини тафтиш қилишим, ва уларнинг қалбини ёриб кўришим учун буюрилган эмасман".

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтади:

"Гумондан сақланинглар, гумон сўзнинг энг ёлғонидир".

Имом Бухорий ривоят қилган яна бир ҳадисда:

"Ким мўминни куфрда айбласа, бас, у, уни ўлдириши кабидир".

Яъни куфрда айблаши билан у одамни ўлдиргандек бўлади.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бўлган мажлисда Хотиб ибн Балтаъани "эҳтимол у мунофиқдир", деганида, Расулуллоҳ қаттиқ танбех бериб: "Буни сен қаердан билдинг", дедилар.

Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳу "Ла илаҳа иллаллоҳ" деган бир одамни ўлдириб қўйганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: "Ла илаҳа иллаллоҳ", деса ҳам ўлдирдингми?"- деб сўрадилар.

Усома: "У қўрққанидан, хавфсираб айтди", деди.

Шунда У зот: "Сен унинг қалбини ёриб кўрдингми?" деб қаттиқ танбех бердилар.

Икки шайх саҳиҳ эканига иттифоқ қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтган:

"Мен ҳам сизларга ўхшаган башарман. Сизлар жанжаллашиб мени олдимга

келасизлар. Эҳтимол айримларигиз менга ҳужжатини тушунтириброқ гапирса, мен ундан эшитган нарсамга кўра уни фойдасига ҳукм чиқариб қўярман. Кимни фойдасига биродарини ҳаққидан ҳукм қилиб қўйган бўлсам, уни олмасин. Чунки у нарса дўзах ўтидан бир бўлакдир".  
Яъни, кўриб ва эшитаётган инсонлардаги зоҳирий нарсага қараб Аллоҳ ўзининг олий зотига хос қилган ботиний ишларга ўтиб кетишимга руҳсат берилмаган, дедилар.

Умар ибн Хаттоб розияллоху анҳу айтар эди:

“Одамлар Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам замонларида ваҳий ёрдамида ҳукм олар эдилар. Бугунги кунда ваҳий тўхтаган. Бугун амалларингизни зоҳирига қараб ҳукм қиламиз. Ким бизга яхшисини кўрсатса унга ишониб қабул қиламиз ва уни ўзимизга яқинлаштирамиз. Унинг қалбини Аллоҳ субханаҳу ва таолога топширамиз. Аллоҳ унинг қалбидаги нарсага кўра ҳисоблашади”.

Шу сабабдан мусулмонларнинг ҳаммалари бир овоздан, мусулмон ким бўлишидан қатъий назар Аллоҳнинг бандаларидан бўлган бир биродарининг ишини унинг ботинига ҳамла қилиш йўли билан ҳукм қилиши жойиз эмас эканига ижмоъ қилганлар. Шунингдек бир инсонни фойда ёки зиёнига ҳукм қилишда гумон қилаётган қалбидаги яширинган ботиний нарсага таяниши мумкин эмаслигига, балки бу нарсани Аллоҳ субханаҳу ва таолонинг китоби эълон қилган жиноят эканига ижмоъ қилганлар.

Аллоҳ азза ва жалланинг бундай ҳукмини ҳикмати нима? Келинглари шу ҳақида ўйлаб кўрайлик.

Бунинг жавоби шуки, агар Аллоҳ таоло қози ва ҳукм чиқарувчилар ҳамда Пайғамбарларга одамларнинг фойда ёки зиёнларига ҳукмлар чиқариш масаласи билан шуғулланаётганда ҳаддан ошиб уларнинг ботинларига ва мақсадларида таянаётган гумонларига ўтсалар, улар ўртасидаги дўстлик ва қариндошлик алоқалари узилиб кетар эди. Уларнинг орасида шубҳа ва гумонлар уйғотиб Аллоҳ таоло ҳукм қилган дўстлик ва биродарлик йўқолиб душманлик ўзаро ёвлик ҳамда хусумат ва нафратга ўзгариб кетар эди. Шу ўринда Аллоҳ таоло дўстлик алоқаларини, силаи раҳм ришталарини ва ўзаро ҳамкорлик воситаларини сақлаб қолиш учун, қалбга ҳамда ният ва мақсадларга таълуқли бўлган нарсаларни ҳукм қилишда ёлғиз ўзи мустақил бўлишни хоҳлади. Балки улар орасида ҳукм чиқаришни қиёмат кунига кечиктиришни хоҳлади. Инсонларнинг ҳаммаси Аллоҳ субханаҳу ва таолонинг олдида таҳқирланган банда холида турадиган кунга суришни истади. Аллоҳнинг ҳикмати мана шу эди, азизларим.

Ушбу ҳикматни кўрсатиб берадиган нарсалардан бири, биз бугунги кунда воқеликда кўриб муҳокама қилаётган ишлардир. Бу эса самовий динларни ҳамда исломдаги мазҳаб ва фирқаларни бир бирига зарба беришга ҳаракат қилаётганлари ҳамда уларни бир бири билан уруштиришни хоҳлаётганларидир. Улар бугунги кунда ушбу мазҳаб ва дин эгаларига душманлик қилиш билан шуғулланмоқдалар. Улар бунинг ортида мазҳаб ва динлар орасида нафрат ва адоват учқунларини алангаланишини хохлайдилар. Натижада улар бир бирлари билан тортишмоқдлар, жанжаллашмоқлар, урушмоқдалар кейин охир бориб, бир бирларини ўлдирмоқдалар.

Агар дин ва мазҳаб эгалари тафаккур билан иш тутиб бир бирларининг қалбларига ҳамла қилмаганларида эди, душманлари ўз мақсадларига етиш йўлида ўзлари ўлиб кетар эди.

Кўп одамлар инсоний ожизлигига бориб, қаттиқ гуноҳларни қилади, турли гуноҳлар юкини елкаларида кўтариб юради, лекин сиз улардан бирининг шу гуноҳни қилгани учун қалбидан азоб чекаётганини билмайсиз, кўплари ўзини ожизлиги хатоси ва Роббисидан узоқ эканини ҳис қилиб қийналаётганларини билмайсиз. Уларга Аллоҳнинг марҳамати етиб, ҳаётини тўғрилаб бу дунёдан ўтишдан олдин Аллоҳнинг солиҳ бандалари қаторига қўшилганлари ҳам кўпдир.

Фузайл ибн Иёз, Абдуллоҳ ибн Муборак, Бишр ул-Хофий ана шундай кишилардан бири эмасмидилар? Ушбу ҳақиқатни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳиҳ ҳадисда бизга тушунтириб берган.

“Нафсим қўлида бўлган Зотга қасамки, сизларни бирингиз кўринишида жаннат аҳлининг амалини қилади, хатто у билан жаннат орасида бир зироъ масофа қолади. Унга китоб ёлиб келади ва у дўзах аҳлининг амалини қилиб унга киради. Албатта бирларингиз кўринишида дўзах аҳлининг амалини қилади. Хатто у билан унинг орасида бир зироъ масофа қолади. Унга китоб ёлиб келади ва жаннат аҳлининг амалини қилиб унга киради”.

Шундай экан келинлар мен бир савол бераман, Аллоҳ таолонинг бандаларидан бирортасини хато қилаётганини кўриб уларни адашган ва янглишган турларга ажратишга кимни кучи етади? Аллоҳ азза ва жалланинг бандаларидан солиҳ иш қилаётганини кўриб уларни тўғри йўлда юрган солиҳлар синфига ажратишга ким ўзида куч топа олади? Бу иш сирлидир. Эътибор ишларнинг охирига қараб бўлади, биродарларим.

Бу сўзлардан олинадиган дарс ёки ибрат нима? Биз бу сўздан оладиган ибрат шуки, биз Аллоҳнинг барча бандаларига ҳушфеъл бўлишимиз

кераклигидир.

Яхшиликга буюрамиз, ёмонликдан қайтарамиз бу иш тўғри, лекин буюраётган ва қайтараётган кишилардан ўзимизни олий даражага қўймаслигимиз лозим.

Аллоҳ субханаҳу ва таоло бизларни мана шундай тарбиялаган. Аллоҳнинг бандаларига нисбатан бўладиган муносабатимиз ҳам мана шундай бўлиши лозим.

Ушбу сўзимни айтиб Аллоҳдан мағфират сўрайман.

***Муҳаммад Саъид Рамазон ал-Бутий хутбаси.***

*27-январ 2012-йил.*

*Шайхонтоҳур туман Эшонгузар жоме*

*масжиди имом хатиби: **Фуломов Абдуллоҳ таржимаси.***